

# Муҳаммад Вулверхэмптондан Макка шаҳрига пиёда йўл олди



11:16 / 18.08.2021 2425

Буюк Британиянинг Мидленд штатидан бўлган Адам Муҳаммад Вулверхэмптондан Макка шаҳрига пиёда йўл олди. У ёлғиз 4000 километр масофа босиб, муқаддас шаҳарга етиб бориш учун чегаралар ва денгизларни кесиб ўтиши лозим.

Муҳаммад кундалик сафар жараёнини тик ток ижтимоий тармоғида жонли эфирларда қўйиб бормоқда. Ҳозирда унинг тик токдаги издошлари 400,000 дан ортиқ ва 2,8 миллион мухлислари лайк босган. Ҳаж зиёратига бир йил керак бўлади. Унинг яқинлари, рафиқаси ва фарзандлари интизорлик билан уйда кутишмоқда. Муҳаммаднинг саёҳатини қўллаб-қувватлаш учун яратилган маблағ йиғиш саҳифасида 20 минг фунт тўпланган.

«У билан бир неча соат суҳбатлашгандан сўнг, мен буларнинг ҳаммасини машҳур бўлиш ёки пул учун қилмаган деган хулосага келдим», деб эълон қилади, ғайриоддий зиёратчи учун маблағ йиғиш саҳифаси яратувчилари. — Аммо дунёда барчамиз тенг эканлигимиз ва бу бошқалардан устун эмаслигини кўрсатади. У учун осон саёҳат бўлмайди. Лекин у Аллоҳ йўлида ҳамма нарсани қурбон қилишга тайёр.